

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 28 январдаги ПФ-60-сон “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони. <https://lex.uz/docs/5841063>
2. Bolter K., Robey J. *Agglomeration Economies: A literature review.* – 2020.
3. Duranton, G., & Puga, D. (2004). *Micro-foundations of urban agglomeration economies.* In *Handbook of regional and urban economics* (Vol. 4, pp. 2063-2117). Elsevier.
4. Giuliano, G., Kang, S., & Yuan, Q. (2019). *Agglomeration economies and evolving urban form.* *The Annals of Regional Science*, 63, 377–398.
5. Kline, P., & Moretti, E. (2014). *Local economic development, agglomeration economies, and the big push: 100 years of evidence from the Tennessee Valley Authority.* *The Quarterly Journal of Economics*, 129(1), 275-331.
6. Abel, J. R., Dey, I., & Gabe, T. M. (2012). *Productivity and the density of human capital.* *Journal of Regional Science*, 52(4), 562-586.
7. Backman, M., & Kohlhase, J. (2013). *The influence of diversity on the formation, survival and growth of new firms* (Working Paper No. 337). Retrieved from The Royal Institute of Technology Centre of Excellence for Science and Innovation Studies (CESIS) website: <https://www.semanticscholar.org/paper/The-Influence-of-Diversity-on-the-Formation%2C-and-of-BackmanKohlhase/54576a09a7342ec588a4ac041054e6e5d9193514>
8. Fagan, J. H. (2000). *Do northeast Ohio’s drivers derive competitive advantage from shared labor?* *Economic Development Quarterly*, 14(1), 111-125.
9. Kazekami, S. (2017). *Local multipliers, mobility, and agglomeration economies.* *Industrial Relations: A Journal of Economy and Society*, 56(3), 489-513.
10. Storper, M., & Venables, A. J. (2004). *Buzz: Face-to-face contact and the urban economy.* *Journal of economic geography*, 4(4), 351-370
11. Glaeser, E. L., & Resseger, M. G. (2010). *The complementarity between cities and skills.* *Journal of Regional Science*, 50(1), 221-244
12. Acemoglu, D. (1997). *Training and innovation in an imperfect labour market.* *The Review of Economic Studies*, 64(3), 445-464.
13. <https://www.eiu.com/n/webinars/industries-in-2023/>

## ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИГА ЖАЛБ ҚИЛИШНИНГ ЗАРУРЛИГИ

**Тошева Зироат Алиқул қизи**  
АЖ Зираат Банк Ўзбекистан

Сўнгги йилларда қулай инвестиция муҳитини яратиш давлатимиз иқтисодий сиёсатининг марказий масалаларидан бири бўлиб ҳисобланмоқда.

Айтиш жоизки, хорижий сармояларни жалб қилмасдан туриб бирор-бир давлат тараққиётга ҳамда иқтисодиёт ривожига эриша олган эмас. Шу боис ҳам бу иш мамлакатимизнинг иқтисодий сиёсатида устувор йўналишларидан бири бўлиб келмоқда. Ўзбекистон Республикасида бу сиёсатни:

- ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш;
- республика иқтисодиётига капитал маблағларни жалб этишни таъминловчи ҳуқуқий асос, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни шакллантириш;

- жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган технологияларни етказиб берувчи ҳамда иқтисодиётнинг замонавий тузилмаларини барпо этишга кўмаклашувчи хорижий сармоядорларга нисбатан очик эшиклар сиёсатини мунтазам равишда юритиш;

- маблағларни рақобатбардошли маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштириш билан боғлиқ энг муҳим устувор йўналишларга сарфлаш каби тамойиллар орқали амалга оширилиб келинмоқда. Бу эса мамлакатимиздаги мавжуд қонунчилик хорижий сармоядорларга бир қатор кафолат ва имтиёзлар беришини таъминлайди.

Шу билан бирга хорижий инвестицияларни иқтисодиётимизда нақадар зарурлигини эътироф этган ҳолда хорижий сармоядорлар Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган инвестицион сиёсатига, қонун устуворлигига энг асосийси тўлов қобилиятига қодир бўлган кучли шерик сифатида ишончларини қозониш лозим. Бунинг учун иқтисодиётимизга хорижий инвестицияларни асосан тўғридан-тўғри капитал сармоялар кўринишида кенг жалб қилиниши учун ҳуқуқий, ижтимоий иқтисодий ва бошқа зарур шарт-шароитларни яратиш, кўшма корхоналар ташкил этилишига кўмаклашиш, шунингдек, инвесторлар манфаатлари ҳимоя қилинишини такомиллаштириш зарур.

Бугунги кунда мамлакатимизда таркибий ўзгаришларни изчил амалга оширишда қулай инвестиция муҳитининг яратилгани асосий омил бўлиб келмоқда. Инвестиция муҳити – бу мамлакатдаги инвестиция жараёнларига таъсир кўрсатувчи иқтисодий, сиёсий, меъёрий-ҳуқуқий, ижтимоий ва бошқа шарт-шароитлар мажмуи. Инвестиция муҳити энг аввало қуйидаги иқтисодий омиллар орқали белгиланади: табиий шарт-шароитлар, шу жумладан фойдали қазилмалар захиралари, ишчи кучи малакаси ва ўртача иш ҳақи даражаси, иқтисодий конъюнктура ҳолати, ички бозор сиғими ҳамда товарларни ташқи бозорда сотиш имкониятлари, кредит тизими ҳолати, солиққа тортиш даражаси, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилманинг ривожланганлиги, хорижий капиталга нисбатан давлат сиёсати, унга нисбатан имтиёзли шарт-шароитларнинг белгиланганлиги ва ҳ.к.

Албатта, мамлакатга инвестиция киритаётган ҳар бир хорижий инвестор унинг бой имкониятлари билангина эмас, балким республикада ижтимоий сиёсий вазиятнинг барқарорлиги, иқтисодий тараққиёт истиқболларининг аниқ равшанлиги, республикада ўтказилаётган иқтисодий ислохотларнинг изчиллиги; хорижий сармоялар тўғрисидаги қонунларнинг имтиёзли шартлари тўғри белгиланганлиги билан ҳам уларда қизиқиш уйғотмоқда.

Ҳозирги вақтда халқаро инвестицияларнинг ўртача йиллик ўсиш суръати 30%дан ошади. Бу кўрсаткич жаҳон савдоси ўсиши суръатларидан деярли 5 маротаба ортиқдир. Халқаро инвестициялар ўзида моддий бойлик барпо этиш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш, пул ва товар шаклларида жамғарилган заҳираларни мужассамлаштиради. Ушбу инвестициялар

доимий равишда мамлакат ичида бир тармоқдан бошқасига, ҳамда давлатлараро ҳаракатда бўлади.

Ўзбекистон улкан хорижий инвестициялар йўналтирилаётган мамлакатлар гуруҳига кириш учун барча шарт-шароитларга, хорижий инвестицияларни жалб этиш учун бир қатор афзалликларга эга. Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти олдида ўзининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси, дунё харитасида географик жойлашиши, табиий ресурсларининг таркиби ва захираси, ҳукумат олиб бораётган иқтисодий сиёсат ва бошқалар билан муҳим роль уйнайди.

Ҳуқуқий нуқтаи назардан чет эл инвестициялари бошқа давлат ҳудудида капиталга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш билан боғлиқ. Иқтисодий нуқтаи назардан эса уларнинг ҳудудий, замон ва макондаги ҳаракати шакллари фойда олиш мақсадида кўпдан-кўп қўшимча рисклар билан тўқнашиш эҳтимолига эга бўлади. Инвестиция базасини ривожлантириш ва чуқурлаштириш, мамлакатда олиб борилаётган ислохотлар стратегиясининг жуда муҳим шарти сифатида белгиланган бўлиб, кучли инвестиция сиёсатини ўтказиш учун ушбу устувор вазифаларни амалга ошириш лозим:

биринчидан, ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш борасида аниқ мақсадни кўзлаб сиёсат ўтказиш зарур. Бунда товарларни экспорт ва импорт қилишда хорижий сармоядорлар даромадларидан эркин фойдаланишларида бирмунча имтиёзли тартибни жорий қилиш;

иккинчидан, хорижий сармояларни, асосан бевосита капитал маблағлар тарзидаги сармояларни Республика иқтисодиётига кенг жалб этиш учун ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни янада такомиллаштириш;

учинчидан, Ўзбекистонга жаҳон даражасидаги технологияларни олиб келадиган халқ хўжалигининг замонавий структурасини вужудга келтиришда ёрдам берадиган хорижий сармоядорларга нисбатан очик эшиклар сиёсатини ўтказиш;

тўртинчидан, маблағларни энг устувор соҳаларга – республика мустақиллигини таъминлайдиган аграр секторни, ёқилғи-энергетика комплексини ҳамда бошқа базавий тармоқларни ривожлантиришга, рақобатга қодир, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга сарфлаш лозим. Чунки, иқтисодиётни таркибий жиҳатдан қайта қурмай туриб, экспорт имкониятларини кенгайтириш мумкин эмас.

Хорижий инвестицияларини жалб этар эканмиз, ички жамғарма манбаларини самарали сафарбар этмасдан туриб, иқтисодиёт тузилмасини тубдан ўзгартириш вазифасини ҳал қилиш қийин бўлади. Шунинг учун инвестиция сиёсатида асосий эътибор корхоналарни ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қайта қуриш ва техник қайта қуроллантириш учун маблағ қидириб топишни рағбатлантиришга қаратилмоғи лозим.

Мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилинар экан, бунда бизнинг асосий вазифамиз чет мамлакатлардан келадиган

сармояларни ишга солиб, хом ашё етказиб берадиган минтақадан тайёр маҳсулот чиқарадиган мамлакатга айлантириш орқалигина биз ўз олдимизга қўйган мақсадга эришган бўламиз. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда иқтисодиётимизнинг келгуси ҳолати кўп жихатдан биз бугун хорижий сармояларни қай даражада кўпроқ жалб этишимизга боғлиқ. Бу борада хорижий сармояларни биринчи навбатда янги технологияларни жорий этилишига ва янги қувватларни ишга туширилишига қаратилиши кўзда тутилади.

Хулоса ўрнида айтишимиз жоизки, бугунги кунда ҳар бир жисмоний шахс тадбиркорлик билан шуғулланиши ва шу орқали ўз бойлигига бойлик қўшишга интилмоқда. Бу эса ўз навбатида уларни қўллаб-қувватловчи сармояларни жалб қилиш шароитининг яратилишини талаб этади.

Бунинг учун энг аввало сармоядорнинг мамлакатда мавжуд сиёсий барқарорликка, давлатда қабул қилинган қонунлар, ҳуқуқий меъёрлар ҳар бир капитал эгаси олиши мумкин бўлган даромадни кафолатлаши мумкинлигига ишонч ҳосил қилишига боғлиқ.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар киритилаётган минтақадаги имкониятлар, малакали ишчи кучи мавжудлиги, ресурслар нарх-навоси, хизмат кўрсатиш инфратузилмасининг ривожланиш ҳолати ва истиқболи ҳамда жозибали лойиҳаларни мавжудлиги инвесторлар қизиқишини янада орттиради шунингдек, мамлакатимизда фаол инвестицион сиёсат юритиш ниҳоятда зарурлигидан далолат беради.

## **ЭФФЕКТИВНОЕ ИСПОЛЬЗОВАНИЕ МУНИЦИПАЛЬНОЙ СОБСТВЕННОСТИ КАК ФАКТОР ЭКОНОМИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ РЕГИОНОВ**

**Усманов Бехруз Шавкатович**  
*младший научный сотрудник Центра  
исследования проблем приватизации и  
управления государственными активами*

Сегодня в стране уделяется достаточно немало внимания эффективному использованию муниципальной собственности, так как муниципальная собственность может служить, как фактор экономического развития регионов. По нашему мнению, главной целью эффективного использования муниципальной собственности является повышения качества жизни населения регионов, увеличение их уровня денежных доходов, обеспечение жильем. Возможность эффективного местного самоуправления определяется, прежде всего, материально-финансовыми ресурсами, имеющимися в распоряжении муниципальных образований. Муниципальная собственность служит экономической основой деятельности муниципального образования, являясь одним из факторов экономического развития регионов.